

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯСИ НОРМАЛАРИНИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ТАТБИҚ ҚИЛИНИШИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ҲУСУСИДА

Мавлонов Авазбек

Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси
avtoritet-353@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада мамлакатимизда амалга оширилган Конституцион ислохотнинг зарурияти ва ҳуқуқий аҳамияти, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиниши такомиллаштириши борасида жорий қилинган янги нормалар ҳақида сўз юритилади. Конституция нормалари орқали жорий қилинган янги тартибларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг ҳозирга қадар амалда бўлиб келаётган нормаларига нисбатан татбиқ қилишининг долзарблиги, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириши борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилади.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи идоралар томонидан жиноятчиликка қарши курашиши, уларни олдини олиши ва содир этилган жиноятларни фош қилиши мақсадида шахснинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган процессуал ва тезкор қидирув тадбирлари жараёнида расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларни амалдаги Конституция нормалари билан мос келмайдиган жиҳатлари борасида мулоҳаза юритилади.

Конституциянинг айрим моддалари орқали ўрнатилган янги нормаларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига татбиқ этилишининг зарурияти ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар тўғрисида мулоҳазалар ва таклифлар келтириб ўтилади.

Калит сўзлар: янги Конституцион нормалар, олий юрдик куч, принцип, Жиноят-процесул қонунчилиги, тезкор-қидирув фаолияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, суд қарори, қонун нормаларини Конституцион нормаларга мувофиқлаштириши.

Abstract: this article talks about the necessity and legal significance of the constitutional reform implemented in our country, the new norms introduced to improve the protection of the rights and freedoms of the individual, the interests protected by the law.

About the urgency of applying the new procedures introduced by the norms of the Constitution to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and the current norms of the Law "Operational-search activity ", about the measures to be implemented in

order to further improve the mechanisms for ensuring the rights and freedoms of individuals. thoughts and opinions are held.

Also, the documents that must be formalized in the course of procedural and rapid search activities conducted by law enforcement and investigative agencies in order to combat crime, prevent them, and expose committed crimes in connection with the restriction of certain rights and freedoms of a person aspects that are incompatible with the norms are discussed.

The necessity of applying the new norms established through some articles of the Constitution to the current legal documents is justified from a legal point of view, and comments and suggestions are made about the changes that should be made to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and the Law

"Operational-search activity".

Key words: *new Constitutional norms, supreme judicial power, principle, Criminal-procedural legislation, investigative activity, human rights and freedoms, court decision, harmonization of legal norms with Constitutional norms.*

“Биз инсон кадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим”

Ш.Мирзиёев

Маълумки, ўтган 2023 йил 30 апрелда узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги тахрирда қабул қилинди. Қомусимизнинг ислох қилиниши тарихий зарурият бўлиши билан биргаликда, улкан тарихий ҳодиса ҳамда қонунчилигимизда олдинга ташланган катта қадам бўлди.

Янги Конституциямизда демократия, инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада мустаҳкамланиши билан бирга, унинг халқчиллиги ҳам оширилди.

Жумладан, Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, Қомусимизнинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Мазкур модда билан Конституциянинг Ўзбекистон Республикасида устунлигининг сўзсиз тан олинishi ва олий юридик кучга эга эканлиги тўғридан-тўғри белгиланди.

Конституциянинг 16-моддасида эса, Ушбу Конституциянинг бирорта қонун қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши ҳамда бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслиги қатъий тарзда белгилаб қўйилди.

Юқоридаги нормалар талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда янги таҳрирдаги Конституция қабул қилунгунига қадар амалда бўлган ва ундан кейин қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатга зид бўлиши бўлиши мумкин эмас, деган асосли ҳулосага келинади.

Қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янги Конституциянинг принцип ва нормаларига мувофиқлаштириш бўйича ишлар ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасига масъул бўлган давлат органлари томонидан изчиллик билан амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамадан ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўлами анча кенг.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига алоҳида аҳамият билан ёндашилганлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ҳам бир қатор ўзгартиришларни киритишни тақозо этади.

Жумладан, Конституциянинг 27-моддасига кўра, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги, ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Бунда шахсни ушлаб туриш тўғрисидаги қарор чиқариш ваколати қатъян судларга тааллуқли эканлиги аниқ ва равшан кўриниб турибди.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 220-моддаси 2-қисмида шахсни жиноят иши қўзғатилганидан кейин ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилиши белгиланган.

Конституциянинг юқорида келтирилган моддасида шахс суднинг қарорисиз ушлаб турилиши мумкин эмаслиги процесснинг айнан қайси босқичига тааллуқли эканлиги кўрсатилмаган. Шу боис, ушбу олий юридик кучга эга бўлган норма жиноят процесснинг барча босқичига тегишли эканлиги англашилади.

Шунингдек, Конституциянинг 31-моддаси билан ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгаллиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш суриштирувчининг, терговчининг

прокурор томонидан санкция берилган қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан амалга оширилади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида эса, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши белгиланган.

Конституциянинг 31-моддаси талабларидан келиб чиқилладиган бўлса, юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам ҳоҳ у процессуал ҳаракат бўлсин, ҳоҳ тезкор-қидирув тадбири бўлсин фақат суд қарори асосида амалга амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, ушбу нормага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 170-моддасида келтирилган суд ажрими ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефонлари ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш учун асос бўла олмайди. Чунки, суд қарори ва ажрими бир биридан фарқ қилувчи ҳамда турлича юридик кучга эга бўлган алоҳида алоҳида процессуал ҳужжатлардир.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасининг

2 ва 3-қисмларида ушбу модданинг юқорида келтирилган 1-қисми билан ўрнатилган тартибга ҳаволалар мавжуд бўлиб, янги Конституция нормаларига мос келмайди. Яъни, модданинг ушбу қисмларида келтирилган “прокурор санкцияси” жумлалари “суд қарори” жумласи билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси билан ўрнатилган қоидага мувофиқ телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ердаги прокурор томонидан амалга оширилади.

Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказишни асосланттирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади.

Мазкур модда орқали ўрнатилган тартиб ҳам амалдаги Конституция нормаси мувофиқ келмай. Шу боис, келгусида “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун суднинг қарори талаб этилишини кўзда тутувчи ўзгартириш киритиш лозим ҳисобланади.

Мулоҳазамиз давомида янги таҳрирдаги Конституциянинг 31-моддаси орқали ўрнатилган тартибнинг яна бир жиҳатига эътибор қаратмоқчиман. Ҳусусан, ушбу модда талабларига мувофиқ, ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши

кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ушбу моддада шахснинг уйига кириш ва унда олиб қўйиш ва кўздан кечириш каби процессуал ҳаракатларни ўтказиш, амалдаги қонунчилик нормалари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Бундан англашиладики, Конституция орқали жорий тартибни ўзгартириш кўзда тутилмаган ва шу кунга қадар амалда бўлиб келган амалиётни ўзгаришсиз давом эттиришга имконият яратилмоқда.

Бироқ, 31-модданинг 5-қисми сўнгида “уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади” дея алоҳида таъкидланмоқда. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ишга дахлдор бўлган далилларни топишда ўтказиладиган тинтув деб номланадиган процессуал ҳаракатларни келгусида амалга оширилишида риоя қилиниши шарт бўлган янги юридик норма белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг

159-моддасида тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

Мақоланинг аввалида таъкидланганидек, Конституциянинг

15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги, 16-моддасига асосан эса, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмаслигидан келиб чиқадиган бўлсак, юқорида кўрсатиб ўтилган номутаносибликлар олий юридик кучга эга бўлган нормаларга мувофиқлаштирилиши талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, янги Конституциядаги нормалар асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, уларни дахлсизлигини таъминлаш ва турли ҳил тажоввузлардан ҳимоя қилинишига давлат қафолатчи бўлиши нуқтаи-назаридан ишлаб чиқилганлигини инобат оладиган бўлсак, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган янги конституцион нормалар кечиктирилмасдан амалдаги қонунчилигимизга татбиқ этилиши лозим бўлади.

Мақола якунида Конституция орқали белгилаб қўйилган яна бир ўзига ҳос янги нормага эътибор қаратмоқчиман. Қомусимизнинг 20-моддасига асосан, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Бинобарин, ушбу кичик таҳлилий мақолада орқали келтириб ўтилган номутаносибликлар инсонлар фойдасига хизмат қилиши керак.

Ҳулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳуқуқ ижодкорлигига масъул бўлган давлат органлари мазкур мақолада келтириб ўтилган ҳолатларга эътибор қаратиб, номутаносибликларни бартараф этадиган бўлса, президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, уларни муҳофаза қилиниши тизимини

янада такомиллаштириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларга муносиб ҳайрихоҳлик кўрсатган бўлар эдилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

ВЕБСАЙТЛАР:

<https://lex.uz/docs/6445145>

<https://lex.uz/docs/111460>

<https://lex.uz/docs/2107763>

Ш.Мирзиёв “Ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз”

<https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/07/constitution-day/>